Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 30 (7771). ● 12 февраль, 1982 йил ◆ Ж У М А ● Баҳоси 3 тийин

ҚУРИҚ ЎЗЛАШТИРУВЧИЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ҲАФТАЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

АДР ЕРЛАР САҲОВАТИ

Будённий номли совхоз Оҳангаронда янги ташкил топган хўжаликлардан. Совхоз деҳқонлари йил сайин қўриқ очиб картошка, сабзавот етиштиришни кўпайтирмоқдалар. Ўтган йили 515 гектар ерга картошка экилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 130 центнерни ташкил этди. Бу йил совхоз ерлари яна 20 гектарга кенгайяпти.

Қўриқ билан тиллашиб экинлардан мўл ҳосил олаётган бригадалар совхозда оз эмас. Т. Абдуқулов бошлиқ бригада азаматлари ўтган йили 43 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан пландаги 100 центнер ўрнига 122 центнердан картошка топширдилар. А. Абдувосидов бошлиқ бригада азаматлари эришган марра яна ҳам юқори бўлди. Улар гектар бошига 180 центнердан картошка йиғиштириб олишди.

СССРнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ҳафталикларда совхоз ишчилари актив иштирок этиб, баҳорги экиш кампаниясига ҳамма нарсани шай қилиб қўйишяпти. Совхоз қурувчилари ҳам шоиён юбилей шарафига бошланган мусобақада қатнашмоқдалар. Улар қисқа вақт ичида 6 та турар-жой, магазин, ошхона биноларини фойдаланишга топширишди. Ҳозирги кунда 100 ўринли болалар боғчаси қурилиши қизғин давом этяпти. Қўриқ ерларни гулистонга айлантираётган қалби олов кишилар ҳимматига балли деймиз.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МУСОБАҚАСИ

ШУ КУНЛАРДА бутун совет халқи қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилни зарбдор меҳнат йилига, юксак марраларни забт этиш йилига айлантиришдек эзгу ният йўлида фидокорлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми, унда ўртоқ Л. И. Брежнев қилган чуқур мазмунли доклад меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоатини янада авж олдириб юборди.

1982 йилда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларнинг кўлами жуда кенг. Областимиз меҳнаткашларининг СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларидаги рақамлар диққатга сазовордир: саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1981 йилдагига қараганда 5 процент ортади. Пландан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Таннархни камайтириш ҳисобига пландан ошиқча 5 миллион сўм фойда олинади. 35 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган мингга яқин ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигимиз меҳнатчилари ҳам партиянинг қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаш ҳақидаги чақириғига амалий иш билан жавоб бериб, деҳқончилик ва чорвачилик жами тармоқлари самарадорлигини оширишни таъминлашга аҳд қилдилар. Бу йил она-Ватанга 440 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилади. Ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта етиштирилади, ҳосилнинг 85 проценти машиналар ёрдамида териб олинади. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек, дон, сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум, каноп пояси сотишни ҳам анча кўпайтириш кўзда тутилган.

Юбилей йилининг зафарли одимлари қўйилаётган ушбу қутлуғ дамларда мусобақа пешқадамлари янги-янги ҳаракат ва ташаббусларни кўтариб чиқмоқдалар, ўзларининг иш участкаларида кун сайин, соат сайин арзигулик ютуқларга эришмоқдалар. Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод саноатчиларининг ютуқлари қувончли бўлмоқда. Янгийўл шаҳрида эса 136 цех, 70 участка, 415 бригада ва 10 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи СССР юбилейи шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб ишламоқдалар. Чиноз район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро мажлисида 113 бригада, 24 участка ва бўлим меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида актив қатнашганлиги, 1800 дан ортиқ дала меҳнаткашининг коммунистик меҳнат зарбдори деган унвонга сазовор бўлганлиги қайд этилди.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари миллионларнинг меҳнатда чиниқиш мактаби, турли хил миллат ва элатларнинг интернационал алоқалари воситаси бўлмиш социалистик мусобақани ташкил этишда унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий таъсирини кучайтириш жиҳатларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз ва Тожикистон ССР Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз пахтакорларининг ўзаро мусобақа боғлаганларига 20 йилдан ошди. Областимиз меҳнаткашларининг жиззахликлар, РСФСРнинг Иваново области, шунингдек, қардош Болгариянинг Хасково округидаги ҳамкасблари билан ўрнатган меҳнат беллашувлари ҳам яхши самаралар бермоқда.

«СССР 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтаётган социалистик мусобақада ҳар бир цех, бригада, ишчи хизматчи астойдил меҳнат қилмоқда,—дейди Тошкент трактор заводи 28-цех 2-участкаси партгруппорги Т. Ҳайдаров,—қардош республикаларга, Москва, Киев, Ленинград сингари қаҳрамон шаҳарларга, металлургларга ва қўриқ заблкорларига, автоном республикалар, область ва округлар, Узоқ Шарқ баҳодирларига бағишлаб ўтказилган зарбдор ҳафталикларимиз шоиён ишлар йилномасига олтин ҳарфлар билан битилади. Цехлараро мусобақада голиб чиққанлигимиз учун яқинда кўчма Қизил байроқ билан тақдирландик.

«Социалистик мусобақа — оммаининг ижодиндир. Узининг моҳият-эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради»,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзлари 1982 йил планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш, ишга туширилаётган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ва ўзлаштириш, битказилмай қолган қурилишлар ва ўрнатилмаган машина-ускуналар ҳажмини кескин камайтириш, халқ хўжалигининг барқарор, бир маромда ишлаб туришини таъминлаш, давлатга мажбуриятларда белгиланган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш учун жавобгар бўлган ҳар бир киши учун баб-баравар даҳлдордир. Барча бошланғич партия ташкилотлари, саноат, қурилиш корхоналари, хўжалик органларининг ҳамма ходимлари бу кўрсатмаларни ўз фаолиятларининг белгиловчи негизи қилиб олишлари керак.

Юбилей йили социалистик мусобақасида асосий диққат-эътибор кундалик қилинаётган ишларнинг, мақсадга мувофиқ келишига, меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришга, тежамкорликка қаттиқ риоя қилишга, меҳнат ва давлат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун қатъият билан кураш олиб боришга қаратилмоғи лозим. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш умумхалқ мусобақасининг шиори бўлмоғи керак. Олимлар, мутахассислар, ихтирочилар ва рационализаторларнинг бутун ақл-заковати фан-техника тараққиёти суръатини тезлаштиришга йўналтирилиши ғоят муҳимдир. Шу маънода Тошкент экскаватор заводида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган йигирмага яқин асбоб-ускуналар ўрнатилди. Яқинда Олмалиқ химия заводида ишга туширилган СК—40 олтингугурт цехи кимёгарларимизнинг катта ютуғи бўлди. «Ташсельмаш» заводида эса январдан бошлаб «ХВН-1,8» маркали янги пахта териш агрегатлари ишлаб чиқаришга киришилди.

Ошкоралик, натижаларни таққослаш, голиблари ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириш, илғор тажрибаларни ўз иш жараёнига тезроқ жорий қилиш, ҳамиша ташаббускор бўлиш — социалистик мусобақанинг синовдан ўтган ленинча принципларидир.

Лекин ҳамма коллективларда ҳам «Қолоқларсиз ишлайлик!»; деган шиор тўлиқ қарор топган деб бўлмайди. Айрим ишчи-хизматчилар ҳанузгача серунум меҳнат қилиш намунасини кўрсатмаётирлар, илғорларга тенглашиш истагини тўлиқ намоён қилмаётирлар. Оқибатда қатор цехлар, участкалар, фермалар, бригадалар ўз олдиларига қўйилган топшириқларни эплай олмаяптилар. Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи, Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли, Калинин районидаги «Иваново» совхози, Коммунистик районидаги «Узбекистон» колхози, Паркент районидаги Энгельс номли совхозларда ана шундай камчиликлар содир бўлмоқда.

Халқ хўжалигининг барча соҳасида эришаётган улкан зафарларимиз партиямиз иқтисодий сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, шоиён ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, ижодкор зиёлиларимизнинг илҳомбахш меҳнати натижаси, барча партия, совет,касаба союз ва комсомол органларининг катта ташкилотчилик ишлари самарасидир.

Жонажон Коммунистик партиямиз ўн биринчи беш йилликка ва умуман саксоничи йиллар учун мўлжаллаб ўртага қўйган иқтисодий-сиёсий вазифалар коммунистик жамият қураётган совет халқининг туб, қаётий манфаатларини яққол акс эттиради. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур сиёсат оммаининг ижодкорлиги, социалистик мусобақадаги ғайрат-шижоати билан қўшилиб, жамиятимизнинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизмнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш йўлидан тўхтовсиз олға қараб боришини таъминлайди!

Тамина Феоктистова номи ни республикамиз пойтахтидаги шарикоподшипник заводида доим ҳурмат билан тилга оладилар. 21 йилдан бери шу даргоҳда ишлаб келаётган донгдор ишчи доим меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқда. Топшириқни мут тасил ошириб бажаради. У шу кунларда 1983 йил ҳисобига маҳсулот бермоқда.

А. Тўраев фотоси.

Янгийўл мебель фабрикаси 2-цехининг бригадири Анвар Вагизов бир беш йилликда ўн йиллик нормасини бажариш учун курашмоқда. У зиммасига олган социалистик мажбуриятини шараф билан адо этяпти. Ҳар куни нормани икки баравар ва ундан ҳам ошириб бажармоқда. Ушбу суратда ташаббускор мебелчи А. Вагизовни иш устида кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

ЧОРВА ФЕРМАЛАРИДА

● ПИСКЕНТ. «Пискент» совхози чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам муваффақиятли бошладилар. Айниқса, хўжалик сут-товар фермаси ходимлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаётир. Бу ерда ҳозирги қиш кунларида ҳам ҳар бир соғин сигирдан кунига 10—11 килограммга етказиб сут соғиб олинмоқда. Гулнора Нуриева, Гулгаш Сафарова сингари пешқадам сут соғувчилар эса кунлик кўрсаткични 12—13 килограммга етказишмоқда. Ферма ходимлари бу йил 743 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3700 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишмоқчи.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

● ҒАЛАБА. «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётган Свердлов номли колхоз чорвадорлари зиммаларига янги мажбуриятлар олишмоқда. Хўжаликнинг Фрида Илли, Зеби Ҳонаэарова, Ҳалима Рисбекова сингари сут соғувчилари қарамоғларидаги соғин сигирларнинг ҳар бошидан 4000—4200 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилишган.

Г. УМАРОВ.

● БЕКОБОД. А. Мавлонов номли совхозда сўнгги йилларда паррандачилик ҳам жадал суръатда ривожланиб бораётир. Айниқса, 10 минг бош товуққа мўлжалланган янги паррандачилик комплекси ишга тушгач, бу соҳадаги ишлар янада юришиб кетди. 1981 йилда давлатга пландаги 150 минг дона ўрнига 345 минг дона тухум етказиб берилди.

Қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун курашаётган хўжалик паррандабоқарлари 1982 йилда эл дастурхонига 420 минг дона тухум етказиб бериш мажбуриятини қабул қилдилар.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

● ТОШКЕНТ. Абдурахмонов номли совхоз чорвадорлари бу йил 1200 тонна силос, 800 тонна сенаж, 200 тонна беда пичани, 400 тонна дала ҳашак, 80 тонна витаминли ўт талқони тайёрлаган эди.

Ем-хашак мўллиги қорамоллар ва соғин сигирлар маҳсулдорлигини кундан-кунга ошириш имконини бермоқда. Шу кунларда бўрдоқ ва қўйларга қорамоллар суткасига 900—1000 граммдан семиртирилмоқда. Соғин сигирлардан эса кунига 12—14 литрдан сут соғиб олинаётир.

А. ҚУРБОНОВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга Чиноздан А. Раҳимов, Оҳангаронда М. Азимов, Н. Абдурасулов, Коммунистик районидан М. Ҳасанова, Оқ-қўрғондан А. Мустафоев ўртоқлар томонидан юборилган хатларда ҳам зарбдор тармоқни янада ривожлантириш учун курашаётган хўжаликлар, чорвадорлар ҳаётидан ҳикоя қилинади.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИ—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

ҚАРШИ, 11 февраль. (ЎзТАГ). Қашқадарёнинг қишлоқ меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги ва бутун иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани тобора кенг авж олдирмоқдалар. Область қишлоқ хўжалиги барча тармоқлари ходимларининг бугун бу ерда бўлиб ўтган курултойида чиқарилган ўтган йилги якунлар ана шундан далолат беради. Курултойни область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Гойипов очди.

Доклад қилган область ижроия комитетининг раиси Б. Элбоев, шунингдек Камаши район партия комитетининг биринчи секретари М. А. Оллаёров, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Қарши филиалининг студенти Х. Мажидова, Кўкдала район ижроия комитетининг раиси Х. Фармонов, Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозининг сут соғувчиси Г. Ҳамдамова, Шаҳрисаба районидаги Энгельс номли колхоз раиси Б. Шербобоев, Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони Т. Нурйев, Нишон районидаги К. Маркс номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Ҳазратқулова қашқадарёликларнинг меҳнат-ғайрати тўғрисида, уларнинг беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга интилаётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар. Область пахтакорлари ўтган мавсумнинг мураккаб об-ҳаво шароитларида 575 минг тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олиб, республика хирмонига етказиб бердилар. Дон етиштириш анча кўпайди. Давлатга 200 минг тонна дон сотилди — давлат плани бир ярим баравардан зиёд ошириб бажарилди.

Чорвачилик фермалари ва комплексларининг меҳнатчилари юксак марраларга эришдилар, улар гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтирдилар. Боғдорлар, сабзаватчилар, полизчилар, картошкакорлар ҳам ўрнак кўрсатдилар. Улар ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаш, беполён Қарши даштларида янги майдонларни ўзлаштириш негизида муваффақиятларни қўлга киритдилар. Жумладан, Нишон районининг меҳнаткашлари яхши намуна кўрсатдилар, улар сабзавот ва қовун-тарвуз экиш учун қўриқдан 1200 гектар массивни, картошка экиш учун 600 гектар янги ерларни ўзлаштирдилар.

Нотиқлар ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга фойдаланилмаётган резервларни кўрсатиб ўтдилар, ана шу резервларни ишга тушириш область олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беришини таъкидладилар. Қарши даштида ўзлаштирилган янги ерлардан янада самарали фойдаланиш, сувни, минерал ўғитларни, машина-механизмларни, бошқа моддий-техника ресурсларни оқилона ишлатиш алоҳида роль ўйнаши керак.

Галлакорлар олдида маъсулиятли вазифа турибди. Улар бошоқли дон экинлари ва маккажўхори, соя, нўхот, сорго каби экинлар ҳосили етиштиришни янада кенгайтиришни таъминлашлари лозим. Энг яхши хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қўриқ Қарши ўлкасининг иқлим шароитлари бу ерда йилига 2—3 мартадан ҳосил олиш имконини беради.

Ем-хашак базасини кенгайтириш — чорвачиликни бундан буён ҳам интенсив ривожлантириш негизидир. Ем-хашак жамоат подасининга эмас, шу билан бирга меҳнаткашларнинг шахсий хўжаликларидаги чорва ва паррандаларининг эҳтиёжларини батамом қондирадиган миқдорда етиштириллиши зарур. Энг яхши суғориладиган ерларда маккажўхори экишга биринчи даражали эътибор бериш керак.

Қурултой қатнашчилари уқтириб ўтишганидек, бу йил янги чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва фермаларини ишга туширишга доир бир қанча конкрет тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга эришиш зарур. Чорвачилик объектлари ишга туширилишини жадаллаштиришда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг оталиқ ёрдамидан кенг фойдаланиш лозим.

Ҳозир область қишлоқ хўжалик ходимлари учун масъулиятли палла бошланди: чигит экишга ҳозирлик кўрилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари, мелиораторлар «оқ олтин»дан мўл ҳосил олиш учун курашни авж олдириб юбордилар. Уларнинг ишлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга қаратилгандир. Деҳқонлар янги марраларга эришишлари учун об-ҳаво қулай келмоқда. Ҳозирдаёқ кўп ишлар қилиб қўйилди. Толимаржон сув омборида салкам 1 миллиард куб метр об-ҳаёт тўпланди. Баланд тоғдаги Ҳисорак сунъий денгизида кўшимча миллионлаб куб метр сув йиғилди. Эндиликда бош вазифа ерларни ўз вақтида тайёрлашдан ва экин-тикин ишларини энг мақбул муддатларда ўтказишдан, пахтадан эртанги ҳосил олинишига эришишдан иборатдир. Бунинг учун экиш техникаси ремонти ишларини жадаллаштириш, шўр ювиш ва яхоб бериш ишларини тугаллаш зарур. Ғўза парваришининг Тошкент технологиясини, пахтакорларга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини мумкин қадар кенгроқ жорий этиш керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов курултойда нутқ сўзлади.

Курултойда Қашқадарё қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг шу йилги юксак социалистик мажбуриятлари қабул қилинди. Давлатга камида 650 минг тонна пахта етказиб беришга, гўшт, сут, дон ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга қарор қилинди.

Курултойда мусобақадош областлар — қўшни Сурхондарё ва Туркманистоннинг Чоржўй областлари қишлоқ меҳнаткашларининг вакиллари иштирок этдилар.

ВЕНЕРА САРИ ЙЎЛДА

ОЛИС КОСМИК АЛОҚА МАРКАЗИ, 10 февраль. (ТАСС). «Венера-13» ва «Венера-14» автоматик станцияларининг Венера планетаси сари учиши давом этмоқда.

Ўтган вақт ичида станциялар билан 94 радио алоқа сеанси ўтказилди, бу сеанслар чоғида ҳаракат траекторияларининг параметрлари ўлчанди, борт системаларининг иши контрол қилинди, ерга илмий маълумотлар юборилди.

Учиш чоғида қуёшдан ва галактикадан келиб чиқувчи зарядланган зарра оқимларининг вужудга келиши ва тарқалишини шунингдек планетаолараро магнит майдонининг структурасини белгилайдиган жараёнлар комплекс тадқиқ этилмоқда. Космик аппаратларнинг иш бошлаши қуёш активлигининг анча кучайишига тўғри келди. Уч ойлик иш чоғида қуёшда ўнтага яқин чақнашлар белгиланди қайд этилди. Бу чақнашлар чоғида планеталараро фазода зарядланган зарра оқимлари кўпайиб кетди. Айни маҳалда Австрия магнитометри орқали планеталараро магнит майдонининг анчагина ғалаёнлари қайд этилди. Булар қуёшдаги чақнашлар ҳосил қилган зарб тўлқинларининг ўтиши сабаблари келиб чиққан.

Илгари хабар берилганидек, «Венера-13» ва «Венера-14» станцияларида космик нурларни ва қуёш гамма нурланишининг чайқалишларини қайд этувчи Совет ва Франция приборлари ишлаб турибди. Планеталараро траектория бўйлаб учиш чоғида 20 дан кўп чайқалиш бўлди, шулардан 10 тасини бир маҳалда 2 станция приборлари қайд этди.

«Венера-13» ва «Венера-14» станциялари учиш маррасига яқинлашмоқда. 10 февралда станцияларни Венера планетасидан ажратиб турган масофа «Венера-13» учун 7,7 миллион километр, «Венера-14» учун эса 8,5 миллион километр бўлди.

Телеметрик информация маълумотларига кўра станциялар ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Станциялар планета атрофларига 1 март ва 5 март кунлари етиб боради.

АТЕИСТИК ТАРБИЯ ҲУЖУМКОРЛИК РУҲИДА БЎЛСИН

10 февраль кўни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида атеистик тарбияни янада кучайтириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда партия ва совет органларининг ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, газета ва журналлар, телевидение ва радиоэшиттиришнинг редакторлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов очди ва нутқ сўзлади.

Кенгашда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Т. Р. Абдушукуров, Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, Узбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, Узбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. П. Володарский, СССР Министрлар Совети хузуридаги диний ишлар кенгашининг Узбекистон ССРдаги вакили У. А. Рустамов нутқ сўзладилар.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, КПСС XXVI съезди, Узбекистон Компартияси XX съезди қарорларига мувофиқ республикада илмий-атеистик тарбияни такомиллаштириш соҳасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун катта имкониятлар мавжуд — республика илмий атеизм уйи ва унинг филиаллари, 400 халқ университети, тўрт мингдан кўпроқ маданият саройлари ва уйлари, клублар, кўплаб кутубхона ва музейлар, илмий атеизм кабинетлари ва бурчаклари ишлаб турибди. Агитация-пропаганда кадрларининг катта отряди мавжуд. Ижодий союзлар, театрлар, газета ва журналлар, телевидение ва радио бу ишга каттагина ҳисса қўшмоқда.

Кенгашда ақолини атеистик рухда тарбиялашни кучайтириш учун мавжуд имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланилаётганлигини кўрсатувчи мисоллар келтирилди. Бу вазифани меҳнат тарбияси, маънавий, интернационал тарбиядан ажратмай комплекс тарзда ҳал этаётган партия комитетлари тўғри иш қилмоқдалар.

Шу билан бирга нотиқлар қайд этиб ўтишганидек, атеистик тарбия ҳамма жойда ҳам партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг диққат марказида турибди, деб бўлмайди. Баъзан ишлар шаҳар ва қишлоқ аҳолиси психологияси хусусиятларини ва билим савиясини, кишиларнинг ёши ва касбини ҳисобга олмай туриб ташкил этилади.

Бир қанча ҳолларда атеистик тарбия масалалари юзаки ҳал этилади, дин ва черковга ленинча муносабат принципларини турмушга татбиқ этиш чоралари ҳамиша ҳам изчиллик билан амалга ошириляпти деб бўлмайди. Атеистик тарбияда расмиятчилик кўринишларига ҳали ҳам барҳам берилмаган, қилинган ишларга пировард натижаларга қараб эмас, балки ўқилган лекциялар, ўтказилган суҳбатлар сонига қараб баҳо берилмоқда.

Ишларни атеистик рухда тарбиялашнинг заифлигини жиддий камчилик деб ҳисоблаш керак. Айрим ёшлар диндорларнинг таъсирига тушиб қолиб, ўтмиш анъаналарига таҳқидий назар билан қарамаётганлигини кўрсатувчи фактлардан ҳамиша ҳам тегишли хулосалар чиқарилмаяпти.

Кейинги вақтларда янги урф-одат ва маросимларни пропаганда қилиш ҳамда уларни меҳнаткашларнинг турмушига жорий этиш аҳамияти тўғрисида кўп гапирилмоқда, аммо сўзлар ҳамиша ҳам амалий ишлар билан мустаҳкамланмаяпти.

Бизнинг нашриётларимиз, оммавий ахборот воситаларимиз коммунистик тарбиянинг мана шу муҳим соҳасида кенг кўламда иш олиб бориш учун катта имкониятларни бой бермоқдалар. Илмий атеизмга доир китоблар кўпинча эҳтирос билан, равон тилда ёзилмаяпти. Атеизм тарихи, ислом дини, атеистик тарбия тажрибасига доир фундаментал илмий асарлар ҳали ҳам оз.

Аҳоли барча табақаларида илмий дунёқарашни шакллантириш, социалистик турмуш тарзини амалий пропаганда қилиш ва жорий этиш борасида собитқадамлик билан мунтазам суратда олиб бориладиган иш, ўтмиш сарқитларига қарши кураш — бутун идеология ишининг таркибий қисми бўлиб қолиши керак-лиги кенгашда уқтириб ўтилди. Атеистик тарбияни илмий асосда олиб бориш керак, бу иш ҳужумкорлик рухида бўлиши лозим.

Янги урф-одат ва маросимларни пропаганда қилиш ва уларни меҳнаткашларнинг турмушига жорий этиш комиссияларининг ишини активлаштириш лозим, совет анъаналари, байрамлари, янги урф-одатлари ҳар бир меҳнат коллективининг, бутун аҳолининг турмушига мустаҳкам сингиб кетадиган бўлиши керак.

Вазифа атеистик тарбия КПСС XXVI съезднинг, Узбекистон Компартияси XX съезднинг юксак талабларига, партиянинг идеология ишига доир қарорларига мос келишидан иборатдир.

Партия комитетлари илмий атеизм лекторлари ва пропагандистлари кадрларини бир мунча пухта танлашлари, улар билан мунтазам суратда инструкция машғулотлари ўтказиб туришлари, уларга амалий ёрдам беришлари керак. Укитувчиларни, мактабгача болалар муассасаларининг тарбиячиларини, соғликни сақлаш ходимлари, фан ва маданият арбобларини атеистик ишга кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир Сиёсий ўқув системасида илмий атеизм чуқур ўрганилишини таъминлаш керак.

(ЎзТАГ).

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Тошкент темир йўл бўлимаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида мижозларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашда маълум ютуқларни қўлга киритди. Тошкент области ва пойтахт шаҳри тез суръатлар билан ривожланаётган халқ хўжалигининг юк ташишга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. Пландагидан ташқари ўн мингдаб тонна юк жўнатилди. Юк оборот, ҳар бир вагонга статистик юк ортиш, ҳар бир вагонда ўртача юк ташиш, жўнатилаётган поезддларнинг ўртача вазни бўйича топшириқлар тўла ва ниёдаси билан адо этилди. Огир юкли поезддларда нормадагидан ташқари 5 миллион тонна юк ташиб берилди. Бунинг эвазига 1,5 минг тонна ёнилги ва 230 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди.

Тошкент темирйўл бўлимаси партия хўжалик активининг бўлиб ўтган йиғилишида доклад қилган бўлима бошлиғи Х. М. Маҳкамов шундай маълумотларни келтирди.

— Коллективимиз муваффақиятлари янада салмоқлироқ бўлиши мумкин эди, — деди докладчи. — Лекин, ҳали биз эксплуатация ишини ташкил этишдаги камчиликларнинг бартараф қилишига эришганимизча йўқ, техника восталарининг ҳар доим шай бўлишини таъминламаяпмиз. Шундай нуқсонлар туфайли қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича топшириқлар бажарилмаяпти. Вагонларнинг оборот секинлашмоқда, уларнинг юк ортиш-туширишга жараёнида туриб қолиши ортиб бормоқда. Поезддларнинг ҳаракат графиги тез-тез бузилиб турди. Бўлимадаги 16 станция юк ортиш, 12 станция эса юк тушириш планини бажармади.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар юк ташиш жараёни технологиясини такомиллаштириш ва яхшилаш, ташилаётган юкларнинг тўла ҳолда сақланишини таъминлашга алоҳида эътибор бердилар. Бўлима коллективи транспорт прокуратураси ва милиция билан ҳамкорликда темирйўлчиларни ташилаётган юкларнинг сақланишини таъминлаш, юкларни ташиш ва техник интизом қоидаларига риоя қилишдаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган тадбирлар комплексини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Жумладан, юк турадиган ҳовлиларнинг атрофи ўралди, ёритилиши яхшиланди, Шумилов, Тошкент-товар, Чирчиқ, Раҳимов, Янгийўл ва бошқа станциялар контейнер майдонлари тартибга келтирилди.

Ўтган йили хўжалигимизни ривожлантиришда 7 миллион сўм ўзлаштирилди. Бу маблағ ҳисобига юк тушириш ва саралаш бўйича қўшимча йўллар қурилди. Кўпгина юк ҳовлилари ва майдонлари территориялари ободонлаштирилди. Юкларни қабул қилувчи ва топширувчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини ошириш назарда

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БЎЛИМАСИ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

тутилган тартиб жорий этилди. Уларнинг малакасини ошириш мақсадида махсус семинарлар ташкил этилди. Амалга оширилган бу ишлар юкларнинг бузилиши, йўқотилиши миқдорининг олдинги йилдагига нисбатан 42 процент камайишига олиб келди.

Аммо, юкларни қабул қилиш ва жўнатишда катта-катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тошкент-товар, Ҳамза, Янгийўл, Кучлук станциялари ходимлари вагонлар ва контейнерларнинг аниқ пломбаланган ҳолда жўнатишни тўла таъминламаяптилар, улар юк ортиш ва уларни вагонларда жойлаштириш шартларига амал қилишмаяпти. Бу вагонларнинг ортиқча туриб қолиши ва юкларнинг бузилишига олиб келмоқда.

Бўлима кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортмоқда ва жўнатмоқда. Масалан, ўтган йили 354 минг тонна полиз маҳсулотлари ва 420 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ташишда нобуд бўлишини тўла бартараф этиш коллективнинг муҳим вазифасидир, деди докладчи. Бунинг учун вагонларнинг синчиклаб тайёрланишига эришиш, ташиш учун келтирилган маҳсулотнинг сифатига эътибор бериш, тара ва юкларнинг жойланишида стандарт қоидаларига риоя қилиниши, барча операцияларнинг тез ва соз бажарилишига эришиш керак.

Жўнатилаётган барча юкларнинг 80 процентдан ортиқроғи саноат корхоналарининг тармоқ йўлларида вагонларга ортилади. Кўпинча уларда вагонларнинг ортиқча туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Бунинг оқибатида ўтган йили 47 минг вагон йўқотилди. Вагонлар, айниқса «Электрохимпром» бирлашмаси, Олмалиқ химия заводи ва бошқа қатор корхоналарнинг тармоқ йўлларида ортиқча туриб қолмоқда.

Бу йил бўлима коллективи юк оборотини анча кўпайтириши, ҳар бир локомотивнинг ўртача иш унумдорлигини 3 процент, вагонникини эса 18 процент ошириши зарур. Поезддларнинг участка қатнови тезлигини ошириш, вагонларнинг юк операцияси вақтида туриб қолишини 5 соат камайтириш керак. Юк ташиш ҳажмининг бутун кўпайишини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш лозим.

Доклад юзасидан музокараларда қатнашган Тошкент товар станциясининг бошлиғи Ш. Исмоилов, мотор-вагон депоси партия ташкилотининг секретари Б. Ц. Погорелов, Тошкент темирйўл бўлимаси транспорт прокурори А. Хожихонов, Тошкент контейнерларда юк ташиш станцияси бошлиғи А. Азимов, Тошкент область матлубот жамияти раисининг ўринбосари У. Мираюпов, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари Р. Т. Капанчиевлар бўлима коллективи фаолиятини яхшилаш, халқ хўжалик юкларининг тўла сақланган ҳолда ташилишини таъминлаш, билан боғлиқ бўлган қатор масалалар устида тўхталдилар.

Актив йиғилишида Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. У. Умаров нутқ сўзлади.

Йиғилишда область партия комитети транспорт ва алоқа бўлими мудири И. И. Федоринов қатнашди.

Актив йиғилиши бўлима коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, янги-янги меҳнат ютуқларини қўлга киритади, деб ишонч билдирди.



«Узбекхиммаш» заводида катта ҳажмда пайвандлаш ишлари амалга оширилади. Корхона коллективи бу муҳим иш жараёнини муттасил такомиллаштириб бормоқда. Кўплаб янги асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Бу пайвандлаш ишларини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бермоқда. Суратда: қувурларни пайвандлаш учун ўрнатилган янги қурилма. Унинг ёрдамида чоқ икки томонлама пайвандланади. Р. Шамсуддинов фотоси. (УзТАГ).

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР — ОММАГА

ЎҚУВ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

ЧИРЧИҚДАГИ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозир иқтисодий ўқув машғулотларида 370 дан зиёд тингловчи фаол иштирок этмоқда, уларнинг кўпчилигини ишчилар ташкил қилади.

Корхона партия ташкилоти ана шу тингловчиларга пухта билим бериш, пропагандистлар назарий ва методик савиясини ошириш масалаларини тез-тез муҳокама қилиб туради. Шунингдек, иқтисодий таълим бўйича Совет тузилган бўлиб, унинг аъзолари комбинат бош экономисти Н. И. Немчинова бошчилигида машғулотларнинг ташкил этилиши, ўқув планлари бажарилишига оид барча ишларни назорат қилиб борадилар.

Ҳозирги вақтда тингловчилар КПСС XXVI съезди материалларини, партиямиз социал-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим проблемаларини бевосита корхонанинг ўн биринчи беш йиллиқдаги конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда янада чуқурроқ ўрганмоқдалар.

Пропагандистлардан Н. Бегматов, Ю. Тузаков, Т. Малигина, Б. Копель, Т. Дубровская, В. Пилипенко, В. Шахов, Л. Киреева, Н. Немчинова ҳар бир мавзуни ўтишда беш йилликда корхона истиқболи, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, иқтисод ва тежамкорлик режимига қатъий риоя қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор бередилар.

Улар ўқув планлари, пропагандист кундаликлари, комбинатнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари акс эттирилган хилма-хил ахборотлар билан тўла таъмин этилганлар.

Ҳозирги вақтда комбинатда иқтисодий таълим системасининг ишини янада яхшироқ йўлга қўйиш борасида талай тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, ўқув юналишларини янгидан жиҳозлаш, таълимнинг замонавий техникавий воситаларини сотиб олиш, «Пропагандист ва тингловчи бурчаги»да, «Тарғиботчига ёрдам», «Тингловчига ёрдам» каби стендлар ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

А. ОЧИЛОВ.

КЕНГ КЎЛАМДА

Оққўрғон районида уй-жой қурилиши кўлами кенгайиб бормоқда. Бинокорлар ҳар йили кўплаб турар-жойларни фойдаланишга топширмоқдалар. Уларнинг бу соҳадаги ўтган йилги эришган натижалари ҳам дуруст бўлди. Давлат плани анча ортиғи билан адо этилди. Ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаш, илғор усулларни қўллаш туфайли салкам 2,5 минг квадрат метр саҳли турар-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу планда назарда тутилганидан деярли 800 квадрат метр кўпдир.

Умуман уй-жойлар қурилиши бўйича ўзлаштирилган капитал маблағ миқдори 3 миллион 511 минг сўмликни ташкил этди. Бу пландагидан анча ортиқдир. Республикамиз ўн беш илғор ишчиси ташаббусига қўшилган 3-колхозлараро қурилиш ташкилотининг Тоҳир Давлатов ва 20-колхозлараро қурилиш ташкилотининг Владимир Курц бошлиқ бригадалари меҳнатда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар топшириқни 1,5 баравар атрофида бажаришяпти.

Қўли гул бинокорлар ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида турар-жой бинолари қурилишини 15 процент, капитал маблағ ўзлаштиришни 20 процент кўпайтиришга аҳд қилишган. Район бунёдкорлари ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар.

П. ЭРГАШЕВ.

ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ЖАСОРАТ ҲАФТАЛИГИ

Бу йил биринчи ўзбек генерали Собир Умарович Раҳимов туғилган куннинг 80 йиллиги нишонланади. Машҳур саркарда, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов Улуғ Ватан уруши йиллари тупроғимизни фашист газандаларидан тозалашда ва Европа халқларининг озодликка чиқишида кўрсатган мислсиз жасоратлари билан тарихда ўчмас из қолдирди. Тошкентдаги Собир Раҳимов район меҳнаткашлари бу санага муносиб туҳфалар билан келишган. Шу муносабат билан район ижроия комитетининг раиси М. Зуфаров мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Районимизнинг Собир Раҳимов номи билан аталиши биз учун ҳам шарафли, ҳам фахрлидир. Ҳозир райондаги ўрта мактаб, болалар маданият ва истироҳат боғи, кинотеатр, болалар боғчаси, кутубхона ва кўчалардан бири саркарда номи билан юритилади. Булардан ташқари ўтган йили район партия комитети биноси олдида унинг улкан монументи очилди. Атрофи ободонлаштирилиб, боғ барпо қилинди. Бу ер кишиларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Ҳар йили машҳур саркарда туғилган кунни нишонлаш яхши анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Районимизда 5 февралдан 11 февралгача «Жасорат ҳафталиги» эълон қилинди. Ҳафталик муносабати билан район меҳнат коллективларида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилди. Бу мусобақада, айниқса, «Компрессор», «Агрегат», «Миконд», чинни заводлари, мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, 6-қурилиш ҳамда қаҳрамон ҳоки йўйилган Тошкентдаги қардошлик мозоридаги қабрга Тошкентга ғолиб тантаналарида қатнашиш учун келган меҳмонлар, республика партия, совет органлари ҳамда меҳнаткашлари вакиллари, шунингдек, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларн гулчамбарлар қўйишади. Сўнг Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида юбилейга бағишланган тантанали кеча бўлади.

Мактабда ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Юбилей арафасида С. Раҳимов номли 133-ўрта мактабда тантанали равишда саркарданинг барельефи очилди. У район миқёсидаги шодиёнага айланиб кетди. Шунингдек, бу мактабда С. Раҳимов музейи ташкил этилган.

Келгусида районимизда генералнинг катта музейини ташкил қилишни ҳам кўзда тутганмиз. Ҳозир бунинг учун махсус жой тайёрланиб, машҳур саркарда номи билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғилаяпти. Бунда бизга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ойбек номли Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи ҳамда Туркистон ҳарбий округи музейи ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Маданият министрлигининг музейлар бўлими, Улуғ Ватан уруши ветеранлари яқиндан ёрдам беришяпти.

Мана, бир неча кундирки, райондаги Собир Раҳимов ҳайкали олдидан зиёратчилар аримайди. Бу ерда энг аълочи ва жамоатчи пионерлар фахрий қоровуллиқда туришибди. Бугун ҳайкал пойига ҳамда қаҳрамон ҳоки ўйилган Тошкентдаги қардошлик мозоридаги қабрга Тошкентга ғолиб тантаналарида қатнашиш учун келган меҳмонлар, республика партия, совет органлари ҳамда меҳнаткашлари вакиллари, шунингдек, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларн гулчамбарлар қўйишади. Сўнг Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида юбилейга бағишланган тантанали кеча бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«МУДИР ҚОЧДИ»

Газетамизнинг ўтган йил 4 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Ўрта Чирчиқ районидаги «Қорасув» чакана савдо корхонасига қарашли 45-магазин мудири Э. Тошматовнинг қинғир ишлари, эл ҳақига хиёнат қилиб, 22 минг сўмлик камомадга йўл қўйгани, район тайёрлов конторасида эса дебитор қарзлар йил сайин ортиб бораётганлиги танқид қилинган эди. Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти правлениесининг раиси Н. М. Илҳомов эса ўша кезлар мавжуд камчиликларни тугатиш ўрнига савдо қондаларини қўпол равишда бузаётган нафс бандаларига ҳомийлик қилаётганлиги, аччиқ танқид остига олинган эди.

Куни кеча редакциямиз ушбу мақола юзасидан Тошкент область матлубот жамияти раиси С. Файзиев имзоси билан жавоб хати олди. Хатда таъкидланишича, мақола Тошкент область матлубот жамияти правлениесининг мажлисида кўриб чиқилган ва келтирилган фактлар тасдиқланган.

Катта миқдорда дебитор қарзларга, сарф-харажатларга йўл қўйилганлиги, вагонлар беҳуда ушлаб турилганлиги ва кадрлар танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилганлиги учун Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти правлениесининг раиси Н. М. Илҳомовга, тайёрлов конторасн директори С. В. Шаимовга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Шунингдек, келтирилган зарар учун ҳар бирига — уч ойлик маоши миқдорида жарима солинди. 45-магазиннинг собиқ мудири Э. Тошматовнинг иши эса тергов органларига оширилди.

Тошкент область матлубот жамияти правлениеси қарори билан савдо ишидаги камчиликларни тугатиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди.

КИТОБСЕВАРЛАР САФИ КЕНГАЙСИН

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг кўпминг кишилик коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилини зарбдор меҳнат билан бошлади. 300-прокат станининг оператори Обид Азизов ҳар сменада нормасини ортиғи билан бажармоқда. У 14 йилдан бери шу корхонада ишлаб келмоқда. Унумли ва сифатли меҳнати учун бир неча бор рағбатлантирилган. Суратда: оператор О. Азизов.

В. Сироткин фотоси.

Область китобсеварлар жамияти аъзолари сони ҳозир 15,5 минг кишига етди. 68 колхоз ва совхоз, саноат корхоналари, ташкилотлар жамиятга коллектив аъзо бўлиб кирдилар.

Ҳозирги пайтда областда китобсеварларнинг 84 бошланғич ташкилоти, 42 клуби, китоб савдоси бўйича 22 та халқ магазини, жамоатчилик асосидаги 38 та кутубхона ишлаб турибди.

Яқинда бўлиб ўтган область китобсеварлар жамиятининг президиуми мажлисида жамият раисининг ўринбосари К. С. Қамбарова ана шу рақамларни мамнунлик билан қайд этди. У китобсеварлар орасида лекция ва суҳбатлар, конференциялар, кечалар ўтказиш, ёзувчи ҳамда шоирлар билан учрашувлар уюштириш жонланганлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ўтган йили жамият аъзолари 1680 дан зиёд лекция ҳамда суҳбатлар тингладилар.

Бу тадбирлар натижасида йиллик план 145 процентдан ошириб бажарилди. Область китобсеварлар жамияти республика мусобақасида биринчи ўринни эгаллади.

Шу куни областимизга республика китобсеварлар жамиятининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

1981 йил мусобақаси якунига кўра область ташкилотлари орасида биринчи ўринни олган Оҳангарон район ташкилотига область китобсеварлар жамиятининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Йиғилишда Оржоникидзе районидаги қишлоқ хўжалик адабиётларини пропаганда қилиш тажрибаси тўғрисида китобсеварлар жамияти район ташкилотининг раиси, Оржоникидзе район партия комитетининг секретари М. Жалилова, китобсеварлар жамияти Янгийўл район ташкилотининг бошлаётгич ташкилотларга раҳбарлиги тўғрисида жамиятнинг Янгийўл район ташкилоти раиси ўринбосари, район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири А. Абдуллаев ўртоқларнинг ахборотлари ҳам тингланди.

Президиум йиғилишида область китобсеварлар жамияти правлениеси раиси, область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева ўртоқлар иштирок этдилар.

УМРНИНГ БЕШ ЛАҲЗАСИ

ОЧЕРК

НАВОИЙ номли колхоз чорвачилик комплекси ҳам унинг фаолиятидаги катта қурилишлардан бири бўлди. Объектни ҳалол тугатишди. Бригадаси муттасил совринли ўринларни эгаллади.

Комплексни фойдаланишга топшириш маросимига, одатдагидек, қурувчиларни ҳам таклиф қилишди.

Трест бошқарувчиси шу тантанада мунтазам ғолиб бригаданинг бошлиғи Йўлдош Комиловга номи ёзилган кўл соати ва «Мусобақа ғолиби» кўкрак нишонини тақиб қўйди.

Бу воқеа 1974 йили бўлган эди.

* * *

Йўлдош ва унинг бригадаси аъзоларини оқшомда колхоз клубига таклиф қилишди.

— Нима гап, биз қурувчиларнинг колхозчилар йиғилишига нима алоқамиз бор?

— Битказалган янги уйларни эгаларига тантанали топширишармиш.

— Ҳа-а-а...

Йўлдош ишдан сўнг башанг уст-бошини кийиб клуб томон одимларкан, ўзини бироз ноқулай ҳис этарди. «Биз қурган бўлсак нима қилибди, ҳамма каби ўз вазифамизни бажардик — қундалик ишимиз. Ишладик, маошни, мукофотни олдик. Шунга энди давр қаҳрамонларидек йиғилишда ўтиришимиз шартми?»

...Зал одамлар билан тўла эди. Раис кириш сўзи билан мажлисни очди. Кун тартибида асли бошқа масала экан-у, колхозда кечагина фойдаланишга топширилган бешта кооператив уйнинг калитларини эгаларига тантаналли топшириш биринчи масала қилиб қўйилибди.

Раис мажлисни очишдан аввал Йўлдошни президиумга таклиф килди. Табиатан тортинчоқ йигитнинг ёнқларига гуп этиб қизиллик урди. У ўзини шунчалик эзвозлашаётганидан ноқулай аҳволга тушар, негадир ҳамқишлоқларидан уялар эди. Ҳа, бу ерда тўпланганлар унинг ҳамқишлоқлари эди. Балки, бу маросим бошқа районда, ҳатто бошқа колхозда бўлганида ҳам бунчалик қаяконланмаган, тортинмаган бўларди...

Сўзга чечан раис қурувчилар шаънига илиқ гапларни айтди. Бунёдкорлар бригадасининг бошлиғи Йўлдош Комилов «ўзларининг кадрларни» жанини адоҳида фахр билан таъкидлади. Уларга колхозчилар номидан миннатдорчилик билдирди. Кейин, беш хонали, гиштин уйлардан биринчисининг калитини илғор звено бошлиғи Ҳалил акага топширилишини эълон қилди.

Суяги меҳнатда қотган, узоқ йиллар шу колхозда тер тўкиб келаётган, тўрт фарзанднинг отаси Ҳалил ака залдаги одамлар орасидан саҳнага чиқиб бораркан, гулдурос қарсаклар янгради. У раснинг қўлидан калитни олди-ю, президиумдагилар орасида ўтирган Йўлдошнинг олдига келди:

— Қани ука, битта қучоқлай!..

Қарсаклар янада қаттиқроқ янграб кетди.

— Инсон дунёга келибдики, ниманидир яратиш, ижод қилиш ишқи билан яшайди, — деди Ҳалил ака кейин залга қараб,— қурувчилар ҳам чин маънода яратувчилар. Биз колхозчилар моддий неъматлар яратамиз. Булар яшаш учун қанчалик зарур бўлса, сиз бунёдкорлар яратаётган уй-жой ҳам шунчалик керак. Одам қорни тўқ ва бошпанаси бут бўлгандагина бошқа нарсалар ҳақида ўйлайди, унумли меҳнат қилади. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, дейди халқимиз. Раҳматли Комил ака ҳақиқий меҳнаткаш, асл колхозчи эдилар. Йўлдош ота изини тутди. Бошқаларини билмайман-у, бирнинг колхозимизнинг ўзида қанча уйлар, қанча биноларни барпо қилди. У ҳам ота фарзанди, ҳам одам фарзанди бўлиб, олқиш оляпти. Раҳмат укам, раҳмат сизларга азиз қурувчилар...

Бу воқеа 1981 йили бўлиб ўтган эди...

* * *

НАВОИЙ номли колхозда 15-мактаб биноси тикланаётган эди. Топшириқ жиддий, суръат жадал. Кўчма механизацияланган колоннанинг тўрт бригадаси қурувчилари қўли-қўлига тегмай ишлаяпти. Қурилиш баҳорда бошланди, сентябрга эса мактабни топшириш керак.

Йўлдош гишт терувчиларга кўмаклашиб, ҳам уларнинг иши сифатини кўздан кечираётган эди.

— Ие, анави келаётган Комилми?— деди Эргаш ака қўлидаги гиштни қўйишдан тўхтаб, ён томонга қараганича.

Йўлдош ҳам қаради. Ўн беш-йигирма қадам нарида бу ёққа жилмайиб келаётган йигитни дафъатан таниёлмади. У ўз бригадасида бирмунча ишлаб, сўнг армияга кетган Комилни унутганича йўқ эди. Бироқ, орадан ўтган икки йил ўша Комилни анча ўзгартириб юборган эди: буйига ҳам, энига ҳам ўсибди, бақувват йигит бўлибди.

Ҳа, йигит тобора яқинлашаркан, Йўлдош уни таниди — бу ўша Комил эди. Мактабни битириб қурилишга келди-ю, дарров қовушиб кета қолмади. Ёзнинг жазирама иссиғида, қишнинг қаҳратон аёзида очиқ ҳавода ишлаш йигитчага унчаям ёқинқирамаган эди. Бироқ, вақт ўтган сайин — бригададаги муҳит унга таъсир қилмай қолмади. Ҳар бир кишининг ҳар қандай оғир ишга иккиланмай қўл уриши, дўстона муносабат, қўнимсизликнинг мутлақо йўқлиги — Комилни ўз-ўзидан тарбиялади. Унга биров панд-насиҳат қилмади, қурувчилик касбининг шарафи ҳақида ваъз айтмади. Комил... бригадани севиб қолди. Ундаги бу кечинмани ҳамкасблари, бригадир ҳам пайқаб улгурмасдан, армияга кетди.

— Оббо сен-ей,— деди Эргаш ака собиқ солдат йигитнинг миқти гавдасига завқ билан қараб,— армия тоза ёқибди-ку.

Шу атрофдаги беш-олти қурувчилар Комилни қуршаб олишган эди. Эргаш Мирқосимов бригаданинг ветерани, колаверса, Комилнинг устози бўлгани учун, у кўпроқ гапираради.

— Бу ерда срттирган касбим қўл келди,— деди Комил фахрланиб — қурилиш батальонида хизмат қилдим.

— Энди-чи, нима иш қилмоқчисан, ё ўқишга ҳаракатми?

— Ўқиш кечкида ҳам бўлаверади,— йигит бригадирга қаради,— агар жой бўлса, бригадангизга олсангиз, Йўлдош ака. Шуни илтимос қилиб келдим.

Йўлдош негадир, бу гапни сира кутмаган эди У, Комил армия баҳонасида ишдан бўшаганига хурсанд бўлиб кетди, қайтиб келмайди, деб ўйлаганди. Шунинг учундир, ҳозир вужудида ҳаяжон сезди. Чунки, Комилнинг шу коллективга қайтиб келишни исташи бригадирнинг, барча бригада аъзоларининг муваффақияти, обрў-эътибори эди...

Шу куни кечки пайт мусобақага — иккинчи квартал меҳнат беллашувига якун ясашди. Трестдан ҳам раҳбар вакиллар келишди. Йўлдош Комилов бошлиқ бригада биринчи ўринни, Ғани Абдуназаров бригадаси иккинчи ўринни олди, Ғолиблар қимматбаҳо буюмлар, пул мукофотлари билан тақдирланди. Шахсий мусобақада юқори кўрсаткичларга эришган Э. Мирқосимов ва О. Маҳкамовларга гиламлар совға қилинди.

Бироқ, Йўлдошни қувонтирган фақат шу — биринчи ўрин ва дабдабали мукофотлар эмасди. У кўпроқ Ғани бошлиқ коллективнинг — мусобақадошларининг фахрли ўрнини эгаллаганидан қувонарди. Чунки...

Бу воқеалар эса 1980 йилда бўлмоқда эди.

* * *

ҒАНИ шогирдликка тушган кезлар, 1970 йилда ёшгина йигит меҳнат фаолиятини шу бригадада бошлади. Йўлдош қўлига келди. Бўладиган бола бошидан, деганларидек, дастлабки кунларданоқ ишга чиппа ёпишди. Билса-билмаса уринавериб, икки-уч йилда комплекс бригададаги мавжуд ҳамма касбларни ўзлаштириб олди. 1976 йилга келиб янги бригада тузиш эҳтиёжи туғилиб қолди. Тузилди. У, Йўлдош Комилов бригадасидан ажралиб чиққан бунёдкорлардан ташкил топди ва Ғани Абдуназаров бригадир қилиб тайинланди.

Бу воқеа тантанали вазиятда рўй берди. Бутун кўчма колонна коллективи клубга йиғилди. Ўшанда янги бригада ва бригадир эълон қилинди. Ўша пайтда колонна бошлиғи бўлган Оқил Саидмаҳмудов янги бригадир Ғанидан кўра кўпроқ Йўлдошни табриклади. Юзлаб қурувчилар, ҳамкасбларнинг олдида президиумга чақириб, қучоқлаб, сўнг қўлини қисди:

— Раҳмат ука, бизга яхши бир бригадир тайёрлаб бердинг. Ҳали қараб тур, Ғани сенинг бригаданг билан беллашадиган бўлади. Буёғига энди ҳушёр бўласан!..

— Устоздан ўтмаган шогирд шогирд эмас,— деди Йўлдош бунга жавобан бир залга, бир Оқил акага қараб.

— Беллашса беллашганим бўлсин...

КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ

МЕҲНАТ, ҲОСИЛ ВА ДАРОМАД

ЛЕНИН номли колхоз Янгийўл районидаги йирик ва кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Колхоз аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, пахта ва бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш ҳажмини йил сайин оширмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликнинг тўғриғ йилини, айниқса, муваффақиятли якунладилар. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида бултурги фидокорона меҳнат самараларига якун ясалиб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, СССР 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш вазифалари белгилаб олинди.

— Ўтган йил колхозимиз пахтакорлари яхши натижаларга эришдилар, — деди йиғилишда ҳисобот доклади қилган колхоз раиси Н. Аваэов,— хўжалигимиз давлатга пахта сотиш планини районда биринчи бўлиб бажарди. Она-Ватанга 5601 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Колхоз бўйича 1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,3 центнердан ошириб хирмон кўтарилди ва давлатга пахта сотиш йиллик плани 114,9 процент қилиб ўринланди.

Хўжаликда давлатга 1375 тонна, ёки аввалги йилдагидан 800 тоннадан ортиқ уруглик пахта етказиб берилганлигига қарамай, ялпи ҳосилнинг 3413 тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олинди, 87,8 процент пахта биринчи сортга сотилди.

Колхоз лубкорлари давлатга 3804 тонна ёки планда белгиланганидан 404 тонна ортиқ каноп пояси етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан ўртача 195,1 центнердан «кўк олтин» етиштирилди. Илғор бригадаларда эса гектаридан олинган каноп пояси ҳосили 230—250 центнерни ташкил этди.

Хўжалик меҳнат ҳақи ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам муайян ютуқларга эришди. Давлатга пилла, гўшт, тухум, жун, сабзавот маҳсулотлари, мева, узум, дон ва шоли сотиш юзасидан белгиланган план ва олинган социалистик мажбуриятлар ҳам муваффақиятли бажарилди.

Колхоз аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик экономикаси янада мустаҳкамланди. Ялпи даромад 5 миллион 758 минг сўмни ташкил этди. Бу планда белгиланганидан 1,5 миллион сўм ортиқдир. Хўжалик , фақат пахтачиликнинг ўзидан 3 миллион сўм ялпи даромадни ташкил этди. Бу планда белгиланганидан 1,5 баравар ортиқ даромад қилди.

Ялпи даромаднинг 3 миллион 340 минг сўми ёки 57,8 процентн колхозчиларнинг иш ҳақига тақсимланди. Колхоз бўйича ҳар бир иш кунининг қиймати 6 сўм 2 тийинни ташкил этди.

Агар ўтган йили айрим камчиликларга йўл қўйилмаганда, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланилганда эришилган ютуқлар янада салмоқли бўлиши, бинобарин хўжалик даромадига даромад қўшилиши турган гап эди.

Ҳамма бригадаларда ҳам ғўза парваришини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга етарли эътибор берилди, деб бўлмайди. Бу ҳосил чўғига таъсир этмай қолмади, албатта. Илғор бригадаларда ҳар гектар ердан 40—45 центнердан «оқ олтин» етиштирилгани ҳолда, 12 та бригадада пахта ҳосилдорлиги колхознинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлди. Ана шунинг эвазигагина колхоз бўйича 380 тонна кам пахта тайёрланди.

— Тер тўкканга — ер тўкади, деганлар, — деди музокараларда сўзга чиққан 3-бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Н. Зоирқўжаев. — Буни бригадамиз пахтакорлари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Съездлар йилида астойдил меҳнат қилганлигимиз туфайли 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44,5 центнердан, ёки планда белгиланганидан 9 центнер ортиқ ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик.

Нотиқ бригада аъзолари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 50 центнерга етказишга азму-қарор қилганликларини, ана шу юксак маррани эгаллаш учун кўпламга тайёргарликни қизғин ўтказиб юборганликларини айтди.

Колхозда чорва моллари туғёни йил сайин ортиб бормоқда. Бу, яхши албатта. Бироқ бу сохада ҳали кўп иш қилиш лозим. Ўтган йили колхозда сут етиштириш плани 89 процентда қолиб кетди. Мўлжалдагидан 150 тонна кам сут етиштирилди.

— Бунинг асосий сабаби моллар маҳсулдорлигининг ҳамон пастлигидадир, — деди колхоз бош зоотехниги Ўрток Қ. Хидиров. — Ўтган йили ҳар бир сигирдан колхоз бўйича 3224 килограммдан сут сғиб олинди. Бу йил сут, гўшт етиштиришни кескин кўпайтириш вазифаси турибди. Бунинг учун озуқа базасини янада мустаҳкамлаймиз, моллар боқимини яхшилаймиз.

Сабзавотчиликда ҳам резервлардан етарли фойдаланилмаяпти. Ўтган йили колхозда 3295 тонна сабзавот маҳсулотлари тайёрланди ва план 88,4 процентда қолиб кетди.

— Сабзавоткорларнимиз давлатга 162 тонна ўрнига 195 тонна ноз-неъмат сотиб бу сохадаги ўтган йилги планни ортиғи билан ўрилаган бўлсалар-да, йил якунидан кўнгиллари тўлгани йўқ,— деди колхоз теплица хўжалиги мудири Ўрток Т. Нишоналиев. — Ҳар квадрат метр ердан 10,8 килограммдан ёки мўлжалдагидан 1,7 килограмм кам ҳосил йиғиб-териб олинди. Коллективимиз давлатга аввалги йилдагига нисбатан 35 тонна кам маҳсулот топширди. Биз ўтган йилги хатолардан хулоса чиқариб, бу йил сунъий иқлим шароитида сабзавот экиндиларидан мўл ҳосил етиштирилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Ҳисобот йиғилишида сўзга чиққан бригада бошлиқларидан Ж. Абдутолиров, С. Ўктамов, колхоз комсомол комитети секретари Т. Ҳидиров ва бошқалар ҳам пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачиликни янада ривожлантириш резервлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда колхознинг 1982 йилги молия-ишлаб чиқариш плани тасдиқланди ва ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Хўжалик пахтакорлари СССР 60 йиллиги нишонланадиган йилда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 36 центнерга етказиш, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни янада кўпайтиришга қарор қилдилар.

М. ПЕЙСЕНОВ.

● **МАХФИРАТ** Ҳақназарова саккиз йилдирки Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз суттовар фермасида меҳнат қилиб келмоқда. Комсомол аъзоси М. Ҳақназарова сўнгги йилларда сигирлардан мўл сут соғиб олиб, чорвадорлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилаётир. У ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам юксак марраларни кўзлаган. Ўзига биркитилган 18 бош говмушнинг ҳар биридан 5 минг литрдан сут соғиб олиш учун кураш олиб бормоқда. Суратда: М Ҳақназарова.

М. Қорабеков фотоси.

МЕҲРИНГНИ БЕРСАНГ АГАР...

ШОАБДУЛЛА ўрта мактабда ўқиб юрган кезлар эди. Онаси узоқ ётиб қолди. Кечалари у оғриқ азобидан қаттиқ қийналарди. Бу ҳолни кўрган ўғил секин ташқарига чиқиб кетар, унинг тузалиши учун қўлидан ҳеч нарса келмаслигидан изтиробланар, чуқур ўйга толарди. Шундай пайтларда «албатта, врач бўламан» дея кўнглидан ўтказарди.

Йиллар ўтди. Ш. Алматов мактабни муваффақиятли тамомлаб Тошкент Давлат медицина институтига ўқишга кирди. Табиатан тиришқоқ, синчков, қобилиятли йигитча медицина фани сир-асрорларини қунт билан ўргана бошлади. Йиллар ўтиб, институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, аввал Янгийўлда, кейин Паркент район касалхонасида хизматини давом эттирди. Тез орада у қўли енгил хирург сифатида танилди.

Кейин шифокорни область онкология диспансерига ишга юборишди. Энг йирик медицина шоҳобчаларидан бири бўлган бу муассасада ишлашнинг ўзига яраша масъулияти бор эди. Врач у ерда ҳам ҳар қачонгидек билимини, қуч-қувватини, меҳрини беморларнинг соғлиғи кетиши учун сарфлади. Касбига бўлган садоқати ишчанлиги билан коллективда ҳурмат қозонди. 1977 йилга келиб у диспансерда хирургия бўлимининг бошлиғи қилиб тайинланди.

Бўлимда асосан кўкрак бези, ошқозони, йўғон ичаги оғир касалликка чалинган беморлар даволанар эдилар. Ш. Алматов ана шундай хасталарга медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун барча тадбирларни амалга оширди.

Биз врач билан суҳбатлашиб ўтирганимизда эшик аста очилиб, хонага нуроний отахон кириб келди. Бўлим бошлиғи ўрнидан туриб, у киши билан самимий саломлашди, ҳол-аҳвол сўрашди. Кейин анча вақт беморни назоратдан ўтказди. Турли дори-дармонлар ёзиб бергач, кузатиб қўйди.

— Бу киши республика миқёсидаги шахсий пенсионер,— деди врач суҳбатимизни давом эттириб.— Икки ой олдин миянг қон қуйилиши натижасида фалаж бўлиб бизда ётган эдилар. Зуллик билан ўтказган операциямиз муваффақиятли чиқди. Мана энди отахон тез-тез ўзлари келиб назоратдан ўтадилар.

Диспансерда дардига шифо топиб кетаётган бундай кишилар анчагина. Бунда хушмуомала, ҳозиржавоб шифокор Шоабдулла Алматовнинг ҳиссаси катта, албатта. У беморлар руҳини кўтаради, кўнглига тасалли беради. Ширинсуханлиги ва муолажалари билан кўмаклашади.

Ш. Алматовнинг коллективда камол топишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, диспансер бош врачи Зокир Раҳимович Раҳимовнинг муносиб ҳиссаси бор. Одамларга доим эътибор билан муносабатда бўлиш, ўз-ўзига талабчанликни ошириб боришни ёш шифокор кўпроқ ана шу устозидан ўрганган. Бу фазилатлар унинг обрўсига обрў қўшмоқда, элга танитмоқда.

А. АҲМЕДОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг студенти.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

СУҲБАТИ МАРОҚЛИ

Тошкент трактор заводи ёш коммунистлар мактаби тингловчиларининг ягона сиёсий кун ўтказишда қатнашганлиги улар олган билимларнинг ўзига хос синови бўлди. Тажрибали лекторлар, «Билим» жамияти аъзолари ва корхона раҳбарлари билан бир қаторда ёш коммунистлар ҳам цехларнинг меҳнаткашлари ҳузурида СССР халқларининг қардошлик дўстлиги ва ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида доклад қилдилар ва суҳбатлар ўтказдилар.

Завод партия комитети қошида ташкил қилинган мактабда ўқиб КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар таълим олмоқда. Улар марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, КПСС XXVI съезди материалларини, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини ўрганадилар.

Токарь Муҳаммаджон Тешабоев автомат цехи ишчилари билан ўтказган суҳбат мароқли бўлди. Тошкент трактор заводи эндигина қад кўтараётган пайтда Россия, Белоруссия ва Украина машинасозлари унга қардошлик ёрдами кўрсатганликлари ҳақида қиқоя қилиб берди. М Тешабоев ўзи қардош республикалардан келган ҳамкасблари билан ўтириб янги машина-ускуналарни қандай ўзлаштирганлиги, тракторларнинг дастлабки деталларини ишлаб чиқарганлигини эслади. Дўстлар ёрдами билан орттирган маҳорати токарга ишлаб чиқариш пешқадами бўлиб етишиш имконини берди. Муҳаммаджон меҳнатда эришган муваффақиятлари учун Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан мукофотланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Американинг Покистонга қурол-яроғ етказиб бераётганлиги хусусида ғоят ташвишланганлигини билдирди. Индира Ганди Ҳиндистонга расмий визит билан келган Швеция Бош министри Т. Фельдин шарафига бу ерда берилган зиёфатда сўзга чиқиб, Покистоннинг қуроллантирилиши Жанубий Осиё қитъасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди, деб айтди. «Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги мавжуд муаммоларни қуроллароғларни кўпайтириш йўли билан эмас, балки музокаралар ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ёрдами билан ҳал этиш керак», деб уқтириб ўтди И. Ганди.

Чет эл Хабарлари

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

РКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУХАРЕСТ. Бу ерда РКП Марказий Комитетининг РСР олий иқтисодий ва социал кенгаши билан биргаликда кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди.

Ажерпрес агентлигининг хабар беришича, пленум 1981 йилда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш планининг бажарилиши тўғрисидаги докладни ва ишлоқ хўжалик маҳсулоти нархларини қайта кўриб чиқиш ва озиқ-овқат моллари нархини қисман ошириш тўғрисидаги докладни муҳокама қилди.

Пленумда РКП Бош секретари Н. Чаушеску нутқ сўзлади.

ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИККА ДАЪВАТ

КАРАКАС. Бу ерда Чили Социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда халқаро жамоатчилик шу партиянинг таниқли арбоби, Чили пролетариати раҳбарларидан бири Бенжамин Кареснинг ҳаётини сақлаб қолишга даъват этилган. Ғоят яширин шароитда ишлаётган Чили Социалистик партиясининг олинган хужжатида Б. Каресни шу йил 13 январда Пиночет охранкаси ушлаб олиб, суд ва тергов қилмай шафқатсизлик билан қийнаб турмага ташлаганлиги хабар берилади. Чилида поймол этилган инсон ҳуқуқлари ва демократияни тиклаш учун курашчининг ҳаёти хавф остида қолди. Жаҳондаги прогрессив кишилар фашист хунтасидан терроризм тўхтатишни ва Б. Карес ҳамда диктатура зиндонларида азоб чекиб ётган бошқа ватанпарварлар дарҳол озод этилишини қатъий талаб қилишлари керак, дейилади мазкур хужжатда.

БОСИБ ОЛИШ ТЎХТАТИЛСИН

ДАМАШҚ. Исроил босиб олган ва Суриядга қарашли Жўлан тепаликларининг аҳолиси шу районнинг Тель-Авив томонидан босиб олинганлигига қарши қатъий курашмоқда. 3 мингдан ортиқ друзлар ва араблар Маждал аш-Шамс шаҳрида митинг ўтказдилар. Улар Исроилдан араб территорияларини оккупация қилишни тўхтатишни талаб қилдилар ва Жўлан тепаликлари аҳолисини агрессорларнинг босқинчилик режаларини амалга оширишга қаратилган ҳар бир қадамига қатъий зарба беришга чақирдилар.

ЖИДДИЙ ТАШВИШ

ГААГА. Рейган маъмуриятининг янги химиявий қурол, шу жумладан асабни бузувчи газ ишлаб чиқаришга киришиш ниятида эканлиги Голландия парламенти аъзоларини ғоят ташвишга солиб қўйди.

«Демократлар-66» партиясининг вакили Х. Схапер Америка маъмуриятининг сўнгги баёноти муносабати билан ҳукумат коалициясига кирган уч партия номидан парламент муҳокамасига резолюция лойиҳасини тақдим этди. Бу резолюция ҳукуматни химиявий қурол ишлаб чиқаришни тақиқлаш ва унинг запасларини тугатиш тўғрисида битимга эришиш чораларини кўришга даъват этади. Голландия, дейилади резолюцияда, бундай қуролнинг ўз территориясида сақланишига йўл қўймаслиги керак. Голландия ҳукумати, шунингдек химиявий қуролнинг Ғарбий Европадаги НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар территориясида ўрнаштирилиши ва ишлатилишига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилиши лозим.

ПАРТИЯНИНГ ОЧИҚ ИШЛАШИ УЧУН КУРАШ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилия Коммунистик партияси ўз фаолиятининг очиқ тарзда олиб борилиши учун кенг кампания бошлади.

Партия очиқ шароитда ишлашга ўтган тақдирда, деди БКП Марказий Комитети аъзоси С. Малина, коммунистлар ноябрь ойида Бразилиянинг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган ҳамма округларида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органларига бўладиган сайловда ўз номзодларини кўрсатган бўлур эдилар. Компартия ҳозирнинг ўзидаёқ шу округларда ўз ташкилотларини тузишга қодирдир, деб таъкидлади С. Малина.

(ТАСС, 11 февраль).

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИСТАМБУЛ. Туркия революцион ишчилар касаба союзлари конфедерацияси раҳбарлиги аъзолари ва активларидан 52 кишининг иши устидан бошланган суд яна давом эткирилмоқда. Прокуратура уларга ўлим жазоси берилишини талаб қилмоқда.

Ҳарбий режим касаба союзлар арбобларини «давлатга қарши фаолиятда ва мамлакатда бир синфнинг иккинчи синф устидан диктатурасини ўрнатишга уринишда» айбламоқда.

«Миллиёт» газетасининг хабар беришича, фавқулодда ҳолат судининг қарорига биноан 27 тармоқ касаба союзларини бирлаштирган ва сафларида 600 мингдан кўп аъзоси бўлган конфедерацияни тарқатиб юбориш тўғрисидаги иш ҳам шу конфедерация раҳбарлари устидан бўлаётган суд материалларига қўшиб қўйилди.

КУБА ХАЛҚИНИ ҲЕЧ КИМ ҚЎРҚИТА ОЛМАЙДИ

ГАВАНА, 10 февраль. (ТАСС). Гавана билан Вашингтон ўртасидаги муносабатларда сақланиб келаётган кескинликни Қўшма Штатлар бундан 22 йил муқаддам вужудга келтирган эди. Қўшма Штатлар Куба халқининг ўзи афзал билган ижтимоий системани танлаб олишдан иборат суверен ҳуқуқи билан ҳисоблашишни истамаяпти. Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Карлос Рафаэль Родригес Франсу пресс агентлигининг мухбири билан суҳбатда ана шу ҳақда гапирди.

Бир-бирининг ўрнини эгаллаган Америка ҳукуматлари ўзларлигининг ўрнини ақл-заковат эгаллагандек туюлган пайтлар бўлган эди. Бироқ Рейган ҳокимият тепасига келгунга қадар Кубага нисбатан душманчилик ниятларини ошкора, кучайтирган эди. Сўнгра унинг ҳукумати бу душманчилик кайфиятини янада кучайтирди.

Яқинда, деди К. Р. Родригес, Рейган маъмуриятининг вакиллари Куба Сальвадордаги партизанлар группаларига ёрдам бераётганлиги учун АҚШ унга қарши «жазо» сифатида янги иқтисодий чоралар кўриш ниятида эканлигини эълон қилди: Биз дўқ-пўписалардан қўрқмаймиз. Биз вазиятлик билан ўз принципларимизга қатъий амал қиламиз. Бу принципларимиз бизнинг позициямиз сингари АҚШ ҳукуматига яхши маълум. Биз мунозара қилишга ва бизга нисбатан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай муҳолифликка қарши жуда яхши тайёрланганмиз.

ТЕЛЕТАЙП ЕНИДА 24 соат

● **БЕРЛИН.** Дрезмендаги «Роботрон» комбинати корхонасида электрон приборлар ва ҳисоблаш машиналари учун кўплаб асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирча бу жараён иккита поток линиясида амалга оширилмоқда. Йил ўрталаригача яна учта автомат линия ишга туширилади, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни 45 процент кўпайтириш имконини беради.

Микроэлектроника, саноат роботлари ва манипуляторларни тобора кенг жорий этиш меҳнат самарадорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўмаклашади.

● **НИКОСИЯ.** Кипр территориясидан барча ажнабий қўшинларни олиб чиқиб кетиш Кипр проблемасини ҳал этишнинг энг зарур шартидир. Кипр президенти С. Киприану бу ерда сўзга чиқиб, ана шуни айтди. У мамлакатнинг суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлигини таъминлаш уни янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам таъкидлади.

● **АНҚАРА.** Туркия гражданларидан 53 мингдан ортиқ киши ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида чет элларга иш қидириб кетган. «Хуррият» газетасининг хабар беришича, бу ундан олдинги йилнинг шу даври мобайнида чет элларга жўнаб кетган турк ишчилари сонидан деярли икки баравар кўпдир. Фақат расмий маълумотларга кўра, ишсизлар армияси қариб уч миллион кишини ташкил этаётган ўз юртида иш ахтариб топишга умид қилмай қўйган кўплаб турк гражданлари бир бурда нон топиш мақсадида ўз мамлакатини тарк этмоқдалар.

● **ДЕҲЛИ.** Дангизда юк ташиш ҳажмини кўпайтириш — Ҳиндистонни 1980—1985 йилларда иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик планининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Сўнгги йигирма йил мобайнида республика савдо флоти кемаларининг умумий ҳажми 25 баравар ортиб, 6 миллион тоннага етди. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон бу кўрсаткич жиҳатидан ривожланаётган мамлакатлар ўртасида биринчи ўринни эгалламоқда. Кема қатнови ва транспорт министри В. Патил журналистларга ана шуни маълум қилди.

(ТАСС, 10 февраль).

МЕХИКО шаҳрида АҚШнинг Марказий Америкадаги агрессив сиёсатига қарши норозилик юриши бўлиб ўтди. Ўн мингдаб намойишчилар Мексика пойтахти кўчаларидан ўтиб, Вашингтоннинг Сальвадордаги аралашувига, Куба ва Никарагуага нисбатан бузғунчилик сиёсатига чек қўйишни талаб қилдилар. Суратда: намойишчилар колонналари Мехико кўчалари бўйлаб ўтиб бормоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

Гулдурос қарсаклар зални ларзага солди.

Йўлдош бу гапни хўжакўрсинга эмас, дилдан чиқариб айтганди. Ишонч билан айтганди.

Ғани Абдуназаров ишончни оқлади. Ўзаро мусобақада унинг бригадаси ҳам гоҳ-гоҳ ғолиб чиқмоқда.

Кўчма механизациялашган колоннада 6 қурилиш бригадаси бор. Квартал мусобақа якунларига кўра деярли ҳаммавақт устоз ва шогирд бошлиқ бригадалар биринчи-иккинчи ўринни забт этишмоқда.

Бригаданинг илғор ишчилари Олим Маҳкамов бригадир бўлганида, Жўравой Қурбонов прораб вазифасига тайинланганида ҳам Йўлдош худди шундай қувонган эди. Қувонмай бўладими, ахир улар қурилиш алифбосини шу ерда, унинг бригадасида ўрганишди. Улар, шу бригадада қанот чиқариб учирма бўлган қалдирғочлар...

Бу воқеалар 1981 йил давомида бўлган эди.

* * *

— ЭНГ бахтиёр кунларингизни эслайсизми?

— Ҳа,— деди у ва юқоридаги тўрт лаҳзани ҳикоя қилиб берди.

— Отангиз қурувчи бўлганмилар?— мен энди Йўлдош Комилов билан учрашишдан олдин ўйлаб қўйган саволимни бердим. У бироз ҳайрон бўлиб турди, кейин жилмайиб, деди:

— Йўқ, отам урган томорқанинг девори эртасига ағанаб тушиб, оёмдан роса таъна эшитганлари эсимда. Девор одамнинг белидан келарди. Лекин, отам Комил ака меҳнаткаш, эътиборли колхозчи эдилар. Ўзим, Тошкент энбошидаги қишлоқда туғилдим, саккизинчи синфни тугатиб, 22-билим юртига бордим. Қурувчи бўлиб чиқдим. Қишлоғимиздаги колхозлараро қурилиш ташкилотига ишга келдим. Меҳнатдан қочмадим — кам бўлмаяпман. Обрў жойида, эътибор яхши.

— Маошингиз?

— Икки юз йигирма — икки юз эллик. Ёзда уч юз сўмгача. Бу, бригада аъзоларимизнинг ўртача ойлиги.

Бригадада дастлаб ўн саккиз киши эди. Уч киши юқоридаги лавозимларга тайинланди, уч йигит — Н. Назарқулов, Р. Маҳкамов, И. Келдибоев армияга кетишди. Қурилиш батальонида хизмат қилишяпти. Албатта бригадага қайтишни таъкидлаб хат ёзиб туришибди. Қаторда ҳозир ўн икки киши. Бироқ, иш ҳажми камаймади. Свердловсклик илғор қурувчиларнинг кам ишчи кучи билан кўп иш бажариш ташаббуси шу бригадада — «Облсельхозстрой» трести 54-кўчма механизациялашган колоннасининг Йўлдош Комилов бошлиқ коллективида ўз аксини топган. Улар бу йил ҳам ҳар йилгидек 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олишган. Айни кунларда картошкачилик ва уруғчилик илмий-текшириш институтининг лойиҳа-смета баҳоси 1,5 миллион сўмлик бўлган омборхонасини бунёд этишмоқда. Объект йил охиригача битказилади.

* * *

...Бир қўлида торт, бир қўлидаги тўрхалтада шампан виноси, пепси-кола, лимонад кўтариб уйга кириб бораётганида Малика энди ишдан келиб турган экан. У район марказий поликлиникасида ҳамшира. Малика ҳам, ҳаммаси мактабда ўқиётган фарзандлари Бахтиёр, Ихтиёр, Наргисалар ҳам байрамона одатдагидек тарга ўтказишди.

Кечқурун дастурхон тузалди. Онаси Гунафша холани одатдагидек тўрга ўтказишди.

Йўлдош шампанни пақиллатиб очаркан, ўзича шодлигидан чапак чалаётган Наргиса бидирлаб сўради:

— Ада, бугун туғилган кунингизми?

— Ҳа, шундай десам ҳам бўлади, қизим,— деди у ва ҳамон жумбоқни тушунмаётган хотини ҳамда онасига қараб давом этди:— бугун қурилишда иш бошлаганимга йигирма йил бўлибди!

Бу воқеа 1982 йил январида бўлиб ўтди.

...Коммунист Йўлдош Комилов ҳаётида, ўз таъбири билан айтганда, яна бир унутилмас лаҳза битилган эди...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

ЯШИЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Чирчиқ шаҳрида кишн нигоҳини равон кўчалар, ҳашаматли маданий-маиший муассасалар, шинам тура-жой биноларидан ташқари сўлим боғ ва хиёбонлар ҳам беихтиёр ўзига тортади.

— Коммунистик меҳнат ва маданият шаҳри номини олиш учун курашаётган шаҳримизнинг ҳар бир граждани яшиллик яратувчилардир, — деб ҳикоя қилади коммунал-хўжалик бўлимининг бошлиғи О. Хўжаев. — Ҳар йили уларнинг қўли билан янги-янги боғлар, ҳиёбонлар ташкил этилмоқда.

Ободончилик ва кўкаламзорлаштиришда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб фаол қатнашмоқда. Фақатгина ўтган йилнинг баҳор ва куз ойларидаги шанбаликларда 40 мингдан зиёд киши иштирок этди. 75 минг туп мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилиб, 10 минг квадрат метр саҳнда кўкаламзор зоналар барпо этилди.

Аҳоли наказлари асосида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ҳам диққатга сазовордир. Кейинги вақтларда депутатлар томонидан 99 минг квадрат метр узунликдаги йўл ва йўлаклар асфальтланди. 20 та автобус бекати тартибга келтирилди. Кўпгина жойларда ёритиш системалари ўрнатилди.

Ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йили шу мақсадда 48 минг сўмлик ободончилик ишлари бажарилди. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Водоканал» бошқармаси ҳамда Ўзбекистон қишин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати коллективлари бу борада ўрнак бўлмоқдалар. Шаҳар коммунал хўжалик бўлими коллективининг озодалик, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича область кўригида ғолиб чиқанлиги қилинаётган самарали меҳнат натижасидандир.

Беш йилликнинг иккинчи йили учун янада катта тадбирлар белгиланган. Яқин вақт ичида мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш, яшил зоналарни кенгайтириш қизғин бошланиб кетади.

І. ПОРТНОЙ.

Бизнинг ахборот

ИЖОДКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Республикамиз пойтахтидаги 116-ўрта мактабда плакатчи рассом, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти Н. Тен билан ўқувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мактабда ижодкор асарларидан кўргазма ҳам ташкил этилди. Унда рассомнинг турли йилларда яратган ранг-тасвир ва графика асарлари намойиш қилинди.

Учрашув эркин суҳбат тарзида ўтди. Рассом эпидоскоп орқали ўзи яратган снёсий плакатларнинг 26 тасвирини ўқувчиларга кўрсатиб, уларнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди.

Б. ТОЖИЕВ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Республикамиз пойтахтидаги 3-автобус парки йирик транспорт корхоналаридан бири ҳисобланади. Парк автобуслари 20 маршрут бўйлаб қатнаб турибди.

Корхонада машиналар сони яна 18 тага кўпайди. «ПАЗ-672» маркали бундай машиналар маршрутларга чиқарилди.

М. ЗАРИПОВ.

МАКТАБДА ТЕЛЕСТУДИЯ

Дарс жараёнида ўқув фильмларидан фойдаланиш ўтилаётган машғулотларнинг янада тушунарли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам Чирчиқдаги аксарият мактабларда фильмотека базасидан унумли фойдаланиш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди. Ўқувчилар учун илмий-оммабоп фильмлар намойиш этиш ҳам яхши йўлга қўйилди.

Шаҳардаги 6-ўрта мактабда ҳам бой фильмотека базаси яратилди. Ҳозир унда 20 дан ортиқ диапроектор ва фильмоскоп бор. Яхши жиҳозланган лингофон кабинети ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Яқин ўртада мактабда яна бир муҳим техникавий тадбир амалга оширилади. Мактаб телестудияси ташкил этилади. «Чирчиксельмаш» заводи ёрдами билан бунёд этиладиган бу студиядан таълим-тарбия ишларини янада яхшилашда фойдаланилади.

С. ОДИЛОВА.

* * *

Шунингдек, редакциямизга тошкентлик А. Толяпов, Х. Тожиматов, М. Аҳмедов, А. Каримов, Г. Холмурадова ва М. Сулаймонов Тошкент районидан А. Юнусмуҳамедов, Т. Дўсонов, Тошкент районидан А. Иброҳимов, Архангельск областидан В. Шомуҳиддиновлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Жажжи қўлларингда ёнган атиргул
Митти вужудингга солдими туғён?!
Гул — ҳаёт рамзидир, ёшлик тимсоли
Мангу ҳамроҳ бўлсин сенга, эй, ўғлон!

П. Эргашев фотоэтюди.

ИНСТИТУТ ХАЗИНАСИ БОЙИМОҚДА

● ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти хазинаси нодир асарлар билан борган сари бойиб бормоқда. Биргина ўтган йили қўлёзмалар фонди 400 дан ортиқ турли хил ёзма ёдгорликлар билан тўлдирилди. Институт ходимлари ўтмишда яратилган ҳар бир ноёб асарни замондошларимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида шарафли ишларни амалга оширмоқдалар.

Суратларда: (чапдан) институт илмий секретари, филология фанлари кандидати Э. Аҳмаджонов ва филология фанлари кандидати Ф. Сулаймонова янги чоп этилган «Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар» альбомини кўздан кечирмоқдалар. (Ўнгда) шу альбом саҳифаларидан кўриниш.

А. Кошкин фотолари. (ЎзТАГ).

ДЎСТ БЎЛУР БЕГОНА ҲАМ...

ОҚИБАТ

Собир билан Турғун сўнгги имтиҳон тугаши билан қишлоққа қараб йўл олишди.

— Кўнглим негадир ғаш, — деди Собир чукур ўйга толиб.

— Қўйсангчи, сингилларингни кўргач, тарқалиб кетади, — тасалли берди Турғун.

— Қайдам...

Икки ўртоқ ўнинчи синфни битиргач, политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга киришди. Тақдирнинг ўчакишини қаранг, улар етуклик аттестат олиш арафасида олдинма-кетин икковларининг ҳам оналари қазо қилди. Собирнинг онаси узоқ бетоб бўлиб ётганди. Турғуннинг онаси эса саккизинчи фарзандга кўзи ёриётганда тўсатдан ҳаётдан кўз юмди.

Тўнғич ўғил — Турғун онаси ҳаётлигида унга «мен кўрувчи бўламан, ўқийман» деб сўз берганди. Аммо онасининг вафотидан сўнг ўзидан кичик етти укаси, отаси Эргаш ака ҳақида ўйларкан: «Қийналиб қолишмасмикин!» — деган андишага борди. Аммо, синглиси Ойша «Ака, биздан хавотир олманг, ахир раҳматлик ойим; «Турғунжоннинг зеҳни баланд, албатта ўқитаман, деб орзу қилгачдилар», — деб туриб олди. Ота ҳам «Бор бўтам, биз илм ололмадик, сен ўқи» деб қўймади...

Мана, биринчи семестр ҳам тугади. Болаларнинг тақдирини, тарбиясини ўйлаб ота уйланадиган бўлди. Фарзандлар қўнглига эса, қандайдир ғашлик чўкди. Улар бир жиҳатдан, хонадонда аёл киши пайдо бўлганидан қувонишса, иккинчи томондан ўгай она ҳақида ўйлаб, ҳар хил хаёлларга боришди.

Бир куни икки ўртоқ шу ҳақда баҳслашиб ўтириб: «Ўгай оналаримиз бизни қандай қарши олишаркин?» деб бир-бирига савол бериб қолишди.

— Кел, аввал сенинг «кичик» ойингни кўрамиз, сўнг бизникига ўтамиз, — таклиф қилди Турғун.

Қишлоққа етишгач, икковлон қаттиқ ҳаяжонда таниш кўчага бурилишди. Собир эшикни аста қоқди. Синглиси ховли супуриб юрган экан.

— Акам, акажоним келдилар, — у югуриб келиб Собирга ташланди, ўпкаси тўлиб кўзига ёш олди. Қизнинг шиқаста овозида мунглилик сезилиб турарди.

— Йиғлама, Шоҳи, — деди Собир синглисини юпатиб. Аммо ўзининг ҳам кўзида ёш кўринди.

— Юрингларингчи, — қувона-қувона ичкари бошлади Шоҳида. Улар айванга етишганда дераза пардаси кўтарилиб, аёл кўринди-ю, парда яна ёпилди. Собирнинг синглиси айванга кўрпача солди.

— Мен, ҳозир... — деганча ошхона томон югуриб кетди. Чой қўйди. Аммо дастурхон ёзишга келганда қимтиниб қолди. Уйга кириб дастурхон олиб чиқишга юраги дов бермади.

Шоҳида кўзларини мўлтиратганча нима қиларини билмай ховли ўртасида акасига қараб турарди. Деразадан мўралаган бояги аёл Собирнинг «кичик» ойиси эди, олдига чиқиб сўрашмади ҳам.

Орага оғир сукунат чўкди. Собир эзилиб Турғунга қараб қўйди. Шоҳида чой дамлаб келди. Бир пиёладан ичишгач, ўринларидан қўзғалишди, Турғунларникига етиб келишди. Уларни ошхонадан чиқиб келган бир аёл очиқ чеҳра билан қарши олди.

— Вой, ўзимнинг Турғунбойим-ку, вой бўйларингга қоқиндиқ, қани келақолинглар, келақолинглар болаларим, — у айланиб-ўргилиб бирин-кетин икковларининг пешонасидан ўпиб, кучиб сўрашди. Ойнаванд равонга чиқариб, шоша-пиша кўрпача ёзаркан:

— Ўзимам ўйлаб турувдим-а, бугун келишади деб. Ойша бўлса, яна уч-тўрт кун бор имтихон тугашига, девди қизи тушмагур. Айтмадимми, тушим ўнг чиқади деб. Тушимда нон ёпаётган эмишман. Нон ахир туз-насиба. Ана, қиздай азизларим келар экан.

Аёл икки ўртоққа меҳр билан боқиб, яна ҳол-аҳвол сўриштира кетди:

— Яхши келдингларми, сғдаганг кетайлар. Ўқишларингиз оғирмасми? Ҳа, катта мактабда ўқиш осон эмас, қийналгансизлар. Ранг-рўйларингиз ҳам айтиб турибди. Ҳечқиси йўқ, уч-тўрт кун дам олсаларингиз, ўзларингизга келиб қоласизлар. Қани, ёзилиб ўтиринглар-чи, мен ҳозир...

— Ойимла ҳар сафар тансиқроқ овқат қилсалар «Турхон ёзишга келганда қимтиниб қолди, — деди Ойша маъноли қараб олишди. «Қандай бахтиёрсан Турғун», — дерди Собирнинг кўзлари...

...Орадан йигирма икки йил ўтди. Турғун билан Собир институтни тугатгач, икковрлари ишга тарафга йўлланма олиб жўнаб кетишди. Шундай бўлса-да, қадрдонлар вақтиватти билан кўришиб туришар, хонадонларида ўтадиган маросимларга, албатта, бир-бирларини таклиф этишарди. Бу сафар Турғун Собирни укасининг никоҳ тўйига таклиф қилди. Уни Турғуннинг сингиллари, укалари худди туғишган акаларидай қучоқ очиб қарши олишди.

Оила ҳам анча кенгайибди: келин, куёв, набиралар. Ҳамма-лари етимлик нималигини хаёлларига ҳам келтирмай ўсишди. Касб-корлари барқарор, кўнгиллари тўқ. Элюрт олдида хурматда, обрў-эътиборда. Бу оила ҳақида фақат яхши гаплар эшитаҳозирсиз. Саккиз фарзанд қаторига яна икки ўғил қўшилгач, Онаизор «етимларнинг бошини силаганим учун аввалги турмушимдан кўрмаган фарзандларни шу мўътабар дарғоҳда кўрдим» дея ниҳоятда шод, бахтиёр эди. Лекин, минг афсуси, бевақт ўлим бу дилбар, бу меҳридарё онани ҳам ҳаётдан олиб кетди.

Турғун иккинчи онасини ҳам жуда ҳурмат қилар, уни ўз онасидек севиб қолганди. «Даданг қариб қолдилар, укаларингга паноҳ бўлиб бошини икки қиларсан, уларни бағрингдан чиқарма, бўтам...» деб васият қилганди она. Турғун марҳуманинг васиятларини бажо келтирди. Ҳозир Эргаш ота фароғатда яшайди. Уч ўғил, уч келини хизматда. Ширин-шакар набиралар бувалари атрофида парвона.

...Собир тўкин дастурхон устида оғир ўйга чўмиб ўтирарди. Турғун бу хомушликнинг сабабини яхши тушунарди. Собирнинг «кичик ойиси меҳр-оқибатдан маҳрум эди. У «ўгай» Собиргагина эмас, ўз ўғил-қизларига оналик меҳрини раво кўрмади. Ўртадан оқибат кўтарилди. Хонадон тўзиб кетди. Ҳаммадан воз кечиб, ҳаддан ортиқ эркалатиб ўстирилган кенжатой эса ноқобил чиқди...

...Юракларни энтиктирувчи «ёр-ёр» эшитилди. Келин келди, деб болалар қийқириши кўчага чопишди. Боши узра оқ ҳарир рўмол ташланган келин, суқсурдай хушрўй куёв эшикдан шодон кириб келишди. Турғуннинг синглиси Ойша бориб келин ва куёвни бағрига босди, оналарга хос чуқур меҳр билан юз-кўзларидан ўпди. Шунда Собир бу меҳр-оқибатли кишиларга чуқур самимият ва ҳавас билан боқди. Беихтиёр шоирнинг ушбу сатрларини эслади:

«Меҳр уйин кенг очсанг Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам».

Ф. УСМОНОВА.

ОҚ ЙЎЛ, «ЁШЛИК»

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи «Ёшлик» адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Журнал Леонид Ильич Брежневнинг ўзбек тилига таржима қилинган «Эсдаликлар» китоби билан очилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. М. Марков, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, мамлакатнинг таниқли арбоблари, республика саноати ва қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнаткашлари ёшларнинг янги ойлик журнали номига йўллаган табриконалари шу сонда эълон қилинган.

Журнал биринчи сонидан бошлабоқ Ўзбекистон ёш шоирлари, адиблари ва публицистларининг минбари эканини кўрсатди. Журнал саҳифаларида уларнинг шеърлари, ҳикоялари ва мақолалари билан бир қаторда республикадаги таниқли адабиёт ва санъат арбоблари-нинг ёш авлодга оқ йўл тилаб ёзган асарлари ҳам босилган.

(ЎзТАГ).

БАҲОР, ЁЗ ФАСЛИ УЧУН

Қиш ҳам охирлаб қолмоқда. Ҳа, демай, фасллар келинчаги баҳор бошланади. Бу мавсумга республикамиз пойтахтидаги 2-пойабзал фабрикаси коллективи ҳам тайёргарликни бошлаб юборди. Корхона моделчилари баҳор—ёз фаслига мўлжалланган янги оёқ-кийимлари турларини ишлаб чиқмоқдалар. Ҳозиргача 17 хил пойабзал намунаси тайёрланди. Уларнинг дастлабкилари ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

Эркаклар ва аёлларга мўлжалланган бу оёқ кийимлари хушбичимлиги, кўримлилиги билан ажралиб туради. Яқин кунлар ичида улар магазин пештахталариден жой олади.

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ЦЕХЛАР

Бўка район маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши якунлади. Давлат плани ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар тўла ва ортиғи билан адо этилди. Ҳар бир киши ҳисобига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бир неча сўмликка ортди. Комбинатда сандиқ ва темирчилик, автомобиллар учун гилофлар тикиш цехи очилди.

Коллектив бу йил ҳам хизмат турини кўпайтириш ишини режалаштирган. «Октябрь 40 йиллиги» колхозида рангли полиэтилендан рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш цехи очилди. 6 та хўжаликда эса комплекс қабул қилиш пунктлари ишга туширилди. Район марказида мебеллари ремонт қилувчи цех хизмат кўрсата бошлайди. Шундай тадбирлар туфайли аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми деярли 20 процент ортади.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қўлда ва машинада ҳарф терувчилар, юқори, чуқур ва ботиқ босма печатниклари, муқовачилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқишга ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳар ойда ўқувчиларга 70 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан, кейинчалик турар-жой ва Тошкент шаҳрида доимий прописка билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1982 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганларга полиграфия олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона ва 4х6 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (шанба ва якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент область ижроия комитетининг

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

РСФСРнинг Приморье ўлкаси ва Қозоғистон ССРнинг кўриқ колхоз ва совхозларининг қишлоқ хўжалигида ишлаш учун

ОИЛАЛАРНИ КЎЧИРАДИ

Кўчиб кетишни хоҳловчи оилаларга турар жой, йўл ҳаражати берилади, белгиланган пул нафақаси ва бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

РСФСРнинг Приморье ўлкасига оилалар 1982 йил 17 мартда жўнатилади.

Справкалар олиш учун: Тошкент областидаги шаҳар ва район ижроия комитетларининг меҳнат бўлимларига, Тошкент шаҳрида—Привокзальная кўчаси, 30-уйга мурожаат этилсин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкент шаҳри ва областида яшовчи ўрта маълумотлиларни канон ишлаб чиқариш тўқувчиси ихтисоси бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

Машғулотлар — 15 февралдан бошланади.

Ўқувчилар ҳар ойда 70 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 100 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, турар жойидан справка.

Ўқувчилар учун тикиш ва бичиш тўгараги ташкил этилган бўлиб, бу тўгаракларда машғулотларни моҳир усталар ўтказадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар педагогика советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги ва кечки бўлимларида ўқишга йўллама оладилар.

Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 45, 54, 57, 48 э, 40 э автобуслар, 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Театральная майдони» бекати). Телефонлар: 53-36-45, 53-73-09.

Телевидение

12 ФЕВРАЛЬ ЖУМА МОСКВА-I

9.00 — Время. 9.40 — Усмирлар ижоди. 10.10 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 4-серия. 11.20—Ҳайвонот оламида. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 15.50 — М. Глинка. Катта секстет. 16.15 — Рус тили. 16.45 — Москва ва москвaликлар. 17.15 — В. Затворницкий билан учрашув. 18.00 — Мультфильм. 19.00—Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.15—Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

МОСКВА-II

9.00 — Гимнастика. 9.20 — Киножурнал. 9.35 ва 13.10 — Я. Купала поэзияси. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Физика. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 14.10 — Бил ва уддала. 14.55 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.25 — Умумий биология. 15.35 — Физика. 16.25—Илмий-оммабоп фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50—Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Концерт. 20.00 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 20.30 — Хайрли тун, кинкинтойлар. 20.45 — Дўстларимиз чеҳраси. 21.30 — Время. 22.05 — Учрашувга томон бир қадам. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I

11.30—Болалар учун фильмлар. 11.55 — Фильм-балет. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Замандас. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Биз рақсга тушамиз. 18.40 — Илгор тажриба мактаби. 19.00 — Адабий альманах. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Инсон ва қонун. 20.30 — Ахборот. 20.50—Концерт. 21.30 — Время. 22.05—Дунё воқеалари. 22.35 — Генерал Раҳимов. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II

18.10 — Она тили. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Физика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.00 — Авлодлар биографияси. 21.30 — Москва-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Инқилоб тонги, 13/II да Шошма қўйш, 14/II да Баланд қоядаги аёллар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —12/II да Ишонмасанг, ўламан, 13/II да Хотинимнинг эри, 14/II да Гулсара.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Мукофот, 13/II да Отасининг қизи, 14/II да Баланд дорга осилма.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа. «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» аттракциони.

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

ЖАРИМАНИНГ ЎЗИ КАМ ЭМАСМИКАН?

Халқимиз азалдан она табиатни севиб келади, ўрмонларимиз, чўл, сахроларимиз, дарёларимизга, улар қўйнида яшовчи ҳайвонот оламига меҳр билан қарайди. Табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, унинг бойликлари ва неъматларини авайлаб асраш ҳаммамизнинг муҳим вазифамиздир. Ов қоидаларини сақлаш юзасидан назоратни кучайтириш, браконьерларга қарши кескин кураш олиб бориш лозим. Бу ишда жамоатчиликнинг роли каттадир.

Чинакам овчи ҳайвонот оламининг қирилиб кетишига асло йўл қўймайди, у бургут ёки ғозни, Бухоро кийиги ёки айиқни отмайди, белгиланмаган вақтда қўлига милтиқ олмайди, ов ман қилинган жойга бормайди ҳам. Табиат билан яккама-якка қолган чоғда виждонига қараб иш тутади, қонундан чекка чиқмайди.

Аммо табиат ғўзаллигини оёқ ости қиладиган, дуч келган жойда ўқ узиб, катта ўлжа кетига тушадиганлар ҳам учраб турар экан. Мана бир мисол.

Илашбой Нурматов Паркент районида, «Бўстон» совхозининг Қирғизовул қишлоғида яшайди. У кўп йиллардан бери тоғ сўқмоқлари, сой ва булоқлар, довонлар оша юради: чўпонлик қилади. Чоткол тоғ ёнбағрларида қўдиқ кичик калибрли милтиқ билан ҳеч бир ёввойи ҳайвонни писанд қилмай юради. Ов қоидаларини жуда яхши билса ҳам унга риоя қилишни ўзига эп кўрмайди. Бу одати давлат овчилик назорати ходимларига ҳам маълум эди.

Яқинда Нурматов жиноят устида қўлга тушиб қолди. Унинг кўнгли айиқ гўштидан кабоб пиширишни тусаган эди. Чўпон ҳеч нарсадан тап тортмай оқ панжали айиқни отиб келди. Унинг ов этиш ман қилинган нодир ҳайвонга ўқ узганлигини давлат овчилик инспекторлари Д. Мусаев ва К. Авазовлар сезиб қолишди. Браконьернинг уйидан тулки ва мензбир суркаси терилари ҳам чиқди.

Ов қоидасини бузганлиги учун браконьердан 50 сўм жарима ундирилиб, ов қуроллари тортиб олинди. Бироқ, назаримизда, жарима ундиришнинг ўзи камлик қилади. Чунки браконьер келтирган зиённинг ўрнини пул билан қоплаб бўлмайди. У табиат бойлигимизни оёқости қилиб, катта жиноятга қўл урди.

М. МАХМУТОВ,
Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар союзининг фахрий аъзоси.

Спорт

ЧЕМПИОНЛАР

Тўрт кун давомида пойтахтдаги «Ёшлик» спорт аренасида акробатика бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Турли кўнгилли спорт жамиятларининг 115 спортчиси команда ва шахсий ҳисобда беллашдилар.

Аёллар учлигида опа сингил Вера ва Люба Радченко билан Ирина Горшкова (ҳаммаси «Меҳнат резервлари» жамиятидан) энг кўп балл тўплаб, республика чемпиони унвонини қўлга киритдилар. Сакраш машқларида «Буревестник» вакили Олег Зайцев ва спартакчи Вика Кострицина ғолиб келишди. Эркаклар кучли жуфтлигида Игорь Агибалов билан Александр Сатьяновларга тенг рақиб топилмади.

Команда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: «Меҳнат резервлари», «Буревестник», «Еш куч».

РЕКОРД ВА МЕДАЛЬ

Запорожье шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида иштирок этган сигил атлетикачиларимиз эришган юксак натижалари билан мухлисларини мамнун этдилар. Тошкентлик Сергей Усов («Динамо» жамиятидан) 110 метрга тўсиқлар оша югуришда 13,8 секунд натижа кўрсатиб, ғолиб келибгина қолмай балки* тенгқўрлари ўртасида мамлакат рекордини янгилади. Лариса Кирюхина 800 ва 1500 метрларга бўлган бахсда икки бор ғалаба нашидасини сурди. Айниқса 800 метрга бўлган югуришда кўрсатган натижаси — 2.04,29 секунд республика миқёсида эмас, балки иттифоқ миқёсида ҳам юксакдир.

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Москвада камондан отиш бўйича мамлакат шахсий чемпионати старт олди. Эркаклар ўртасида СССР Қуролли Кучлар вакили Игорь Когай, аёллар ўртасида эса Наталья Бутузова ва Ольга Громова (641 тадан очко тўплашди) олдинда боришмоқда.

СУЗУВЧИЛАР БИРИНЧИЛИГИДА

Сергей Заболотнов Москвада сузувчиларнинг мамлакат чемпионатида биринчи кун 200 метрга чалқанча сузишда 2.04,55 секунд натижа кўрсатиб бронза медалини қўлга киритди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01782. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64684. А. 1542.